

“Ҳаёт Хавфсизлиги Асослари” Қоидаларини Ўқитишдаги Самарадорлик*Назокат Саидханова¹*

Аннотация: Мамлакатимиз аҳолисини турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни юқори даражаларга кўтариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” қоидаларини ўқитиш нақадар долзарблигини кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: мактаб, ўқувчи, таълим, ҳаёт, хавфсизлик, фавқулодда вазият, бахтсиз ходиса, фалокат, табиий офат.

Юртимизда айни вақтда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнини, яъни кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадимизни аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ёшларга таълим бериш масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Ҳаёт хавфсизлиги инсоният ҳаётини, табиий бойликларни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси мамлакатимизда алоҳида эътиборга лойиқ ва долзарб муаммо ҳисобланади.

Тарихга назар солсак, Республикамизда ХХ асрнинг 60-йилларидан фуқаро муудофааси тизими фаолият кўрсатиб келган. Унинг асосий вазифаси тинчлик даврида ва уруш шароитида мамлакат аҳолисини ялпи қирғин қуроллари ва бошқа ҳужум воситаларидан ҳимоя қилиш, уруш шароитида объектларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда ҳалокат ўчоқларида қутқариш ва тиклаш ишларини ўз вақтида самарали амалга оширишдан иборат эди. Лекин аҳоли ҳаётига фақатгина оммавий қирғин қуроллари эмас, балки бошқа хавф-хатарлар ҳам таҳдид солиб турар эди. Булар турли табиий офатлар, авария, ҳалокатлар эканлиги барчамизга аён дидир. Бўлиб ўтган бир нечта табиий ва техноген офатлар (масалан; Чернобил атом электр станциясидаги авария, 25000 одамнинг ёстиғини қуритган Спитак зилзиласи ва бошқ.) фуқаро муудофаасининг ўрни ва вазифаларига бошқача кўз билан қараш керак эканлигини кўрсатиб берди. Фуқаро муудофааси кўшинлари бундай йирик кўламдаги офатларга қарши курашишга тайёр эмас эканлиги, фуқаро муудофааси вазифалари фақатгина ҳарбий давр чегарасида қолишлиги мумкин эмаслиги, улар олдига қўйилган вазифалар кўламини кенгайтириш эҳтиёжи юзага келди.

Эндиликда фуқаро муудофааси учун авария, ҳалокат ва табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, авария-қутқарув ишларини олиб бориш билан бирга содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларни башоратлаш вазифаси етакчи рол ўйнаши лозим эди. 90-йилларга келиб ядро уруши хавфи камайди, биологик қуроллардан фойдаланиш чеклаб қўйилди, янги-янги замонавий қурол турлари кашф қилиндики, улар одамлар учун хавфли бўлмай, балки иқтисодиёт объектларини ишдан чиқаришга қаратилган эди. Буларнинг ҳаммаси фуқаро муудофааси тизими ўрнида янги бир тизим ташкил этилиши лозимлигини исботлаб берди. Тинчлик шароитида давлатларда содир бўлаётган авария, ҳалокатлар ва табиий офатлар оқибатида юзага келадиган зарарлар миқдори йилдан-йилга ошиб борди. Маълумотларга қараганда, авария ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш яхши самара бермаган. Энг муҳими, тинчлик даврида фавқулодда вазиятларга (ФВ) жавоб беришга мўлжалланган махсус

¹ Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, кафедраси доценти



тизимнинг йўқлиги эди. Мавжуд тизим, уруш давридаги фавқулодда вазиятларга йўналтирилган ва у бахтсиз ҳодисалар, фалокатлар ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этишда фаол иштирок этган бўлсада, у ўзига хос хусусиятлар туфайли ушбу иш билан тўлиқ кураша олмади.

Фуқаро мудофааси тизимининг самарасизлиги бир қатор муаммолар туфайли юзага келди, уларнинг энг асосийлари куйидагилар:

- давлат микёсида фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишни бошқариш ва фаолиятини мувофиқлаштириш учун етарли ваколат ва тажрибага эга, доимий давлат органининг йўқлиги;
- фавқулодда вазиятларда шошилиш таъсир кучларининг йўқлиги; Фуқаро мудофаасининг кискартирилган таркибдаги қисм ва бирлашмаларни жамлаш ва фавқулодда вазият зонасига юбориш узоқ вақт талаб қилиши;
- фавқулодда вазиятлар ҳудудига қутқарувчиларни тезкор етказиб беришни таъминлайдиган махсус мобил транспорт воситаларининг йўқлиги;
- Фуқаро мудофааси тизимида одамларни ҳар қандай вазиятда қутқариш учун махсус универсал тайёргарликка эга бўлган профессионал қутқарувчиларнинг йўқлиги;
- Фуқаро мудофаасининг 2 йиллик хизматга чақирилган қўшин аскарлари ва харбийлаштирилмаган тузилмалар таркибида қутқарувчилар эмас турли соҳа мутахассислари бўлганлиги;
- Фуқаро мудофааси кучларининг қутқарув ва бошқа шошилиш ишларни бажариш учун замонавий техникасининг йўқлиги; эскирган, кам қувватли муҳандислик технологияларидан фойдаланилган, қидирув ускуналари ва қутқарув воситалари мавжуд бўлмаганлиги;
- Фавқулодда вазиятларнинг (ФВ) олдини олиш ва тугатиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик базасининг йўқлиги.

1987 йил июль ойида мамлакат раҳбарияти Фуқаро мудофаа тизимини тубдан қайта ташкил этишга оид ҳужжатни ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжатда тизим эҳтимоли мавжуд авария, ҳалокатлар ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш, қутқарув ва бошқа шошилиш ишларни бажаришга тайёр бўлиши кераклиги таъкидланди. Шундай қилиб, Фуқаро мудофаа тизимининг фавқулодда вазиятларнинг нафақат харбий, балки тинчлик даврига ҳам мўлжалланиши биринчи марта расмий равишда эълон қилинди. Фуқаро мудофааси тизимини тубдан қайта ташкил этиш комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таъминланди. Ўзбекистон Республикаси аҳолини табиий ва техноген фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш учун муаммоларни ҳал қилишда ўз йўлини танлади.

Шу билан бирга бугунги кундалик ҳаётимизда табиий ёки техноген хавфларнинг ҳажми ва хилма-хиллиги жуда кенгайиб кетди. Жамиятимизда техносферанинг роли ошиб, яшаш тарзимиз ҳам техникалар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Бу жараён мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш билан қаторда аҳолининг муайян даражада саломатлиги ва ҳар томонлама ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг муҳимлигини кўрсатиб берди.

Бундай шароитда “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” қоидаларини ўрганиш ва уни ўқитиш орқали соғлом ва тинч турмуш тарзи муаммосини маълум даражада ҳал қилишга, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инсонларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга илмий жиҳатдан оқилона бўлган турмуш тарзини шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларига айланди.

Ҳозирги даврдаги юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлар таъсири, кўлами, оқибати, ўзининг мураккаб шароитларга олиб келиши билан фарқланади. Олиб борилган мониторинг ва таҳлилларга назар соладиган бўлсак дунёда охириги ўн йил давомида содир бўлган фавқулодда вазиятларнинг 70% бу – техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардир.



XX асрнинг 90-йилларида турли вазиятлар билан боғлиқ равишда юз берган бахтсиз ходисаларнинг ортиб бориши, фавқулодда вазиятларнинг кўплаб юз бериши 1991 йилда “Ҳаёт хавфсизликда” шиори остида Бутун жаҳон конгрессининг ўтказилиши ва унда кўрилган масалалар ечимида алоҳида эътибор берилиши зарурати кўрсатиб ўтилди ва таъкидланди.

Фавқулодда вазиятлардан жабрланганлар сонини камайтиришнинг асосий йўлларида бири аҳолининг барча тоифаларини шу жумладан ўқувчиларни фавқулодда вазиятлар шароитида тўғри ҳаракатланишга ўргатишдан иборатдир. Бундай тайёргарлик доимий, мунтазам, узлуксиз тарзда оилада, маҳаллада, мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоғи лозим.

Юқоридаги таҳлиллар натижасини кўрадиган бўлсак, республикамызда аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ўқувчиларни “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” қоидаларини ўқитиш нақадар долзарблигини кўришимиз мумкин.

Мактаб таълим тизимида ўқувчиларни хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мустақил фикрлаш кўникмаси билан билимларини эгаллашга эришишида “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” қоидаларининг роли каттадир. Чунки ўқувчилар мустақил фикрлаш орқали яқка сурат ҳамда мустақил изланишга ўрганадилар. Ҳар бир мактаб ўқувчиси ҳар қандай шароитда хавфсизлигини таъминлаш борасида билимларга эга бўлиши, зарурий ҳолларда хавфсизлик чоралари бўйича тўғри ҳаракатларни амалга ошира олиши лозим.

Адабиётлар:

1. Ёрматов Ғ.Ё., Ёўлдашев О.Р., Ҳамраев А.Л. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги./ дарслик. – Т.: Алоқачи, 2009.
2. Хусанова С.И. Тинибеков М.Х. Тўраев З.Т. “Найот хавфсизлиги асослари” орта талим мактабларининг 10-синфи учун оқув қолланма Тўшкент- 2018.
3. Хусанова С., Саидханова Н., Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш йўллари. Кўргазмалар ўқув семинар материаллар тўплами. Т.: ФМИ.2019й. 90-94б.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли Қарори. 2019.

